

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2017
ИЮНЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

О.АҲМАДЖОНОВА “Чинор” романи композициясидаги ўзига хосликлар	64
М.ЖўРАЕВА Бадиий адабиётда мутелик психологияси	66

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.ТОШХЎЖАЕВА Бадиий нутқда риторик сўроқ гаплар ва уларнинг лингвопоэтик тадқиқи	69
Э.ИБРАГИМОВА Баҳонинг предмет ва белги ёрдамида ифодаланиши	73
Г.РОЗИҚОВА, У.ФАРМОНОВА Қўшма гапларга хос шакл ва мазмун номутаносиблиги	77
В.АМАНОВ Қадриятлар тизимида миллий, маданий ва лисоний дунёқараш	80
Д.ЮЛДАШЕВА Синтактик такрорларнинг бадиий-эстетик имкониятлари	83
Н.ҒОФУРОВА Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилларида мақол ва маталларнинг лингво-когнитив асослари ва уларнинг структурал-семантик жиҳатлари	86
Г.ЖўРАБОЕВА Тарихий топонимларнинг шаклланишида апеллятивларнинг ўрни	88
Р.АХРОРОВА Тилнинг концепт доирасини ўрганиш муаммолари	92

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Ж.ОТАЖОНОВ, Ф.МАХМУДОВА, М.РАЙИМЖОНОВА Бошланғич таълим педагогларининг педагогик жараёнда руҳий ёндашув масалалари	95
Ҳ.ҒАНИЕВА Таълим-тарбия жараёнида ўсмирлар хулқ-атворини намоён бўлишининг ижтимоий-психологик аспекти	98

ИЛМИЙ АХБОРОТ

М.АБДУМАННОПОВ Интеграл операторлар қатнашган иккинчи тартибли ўзгармас коэффициентли дифференциал тенглама учун чегаравий масала	103
Ш.ОХУНЖОНОВА Оғзаки тарихни ёзма тарихга айлантириш жараёни ҳақида	106
М.ОМОНОВ, З.БОТИРОВА Арабча синиқ кўплик вазнидаги ўзлашма сўзлар ва уларнинг семантик хусусиятлари	109
О.ҲУСАНХЎЖАЕВ Мақолларда қиёслаш, зидлаш муносабатини ифодалашда сонларнинг аҳамияти	111
Н.ЎРИНОВА Бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий компетентликни шакллантириш йўллари	113
Н.АБДУЛАЗИЗОВА Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларида зарарли одатларнинг олдини олишнинг педагогик-психологик асослари	115

ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Сўхлик биринчи олим	116
---------------------------	-----

ХОТИРА

Мадаминбек Хотамович АҲМЕДОВ	117
Эркин Мўйдинович ТУХТАСИНОВ	117

МАҚОЛЛАРДА ҚИЁСЛАШ, ЗИДЛАШ МУНОСАБАТИНИ ИФОДАЛАШДА СОНЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

О.Хусанхўжаев

Аннотация

Мақолада ўзбек халқ мақолларида зидлаш, қиёслаш муносабатининг юзага келишида сонларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилади.

Аннотация

В статье рассматриваются значение чисел в выражении сравнения и противопоставлении при использовании узбекских народных пословиц.

Annotation

In this article the importance of numbers in expressing the meaning of comparison and contrast in using of Uzbek people's proverbs is analyzed.

Таянч сўз ва иборалар: зидлаш, қиёслаш, мақол, антитеза, сон, полисемантик сўз.

Ключевые слова и выражения: противопоставление, сравнение, пословица, антитеза, имя числительное, полисемантическое слово.

Key words and expressions: contrast, comparison, proverb, antithesis, number, polysemantical word.

Мақоллар сўз санъатининг маҳсули сифатида бадиият ҳодисасидир. Мақолларда бир сўзнинг турли маъно қирралари, бадий тасвир воситалари, поэтик кўчимлар ишлатилади [1.4]. Маълумки, мақолларда қиёслаш, зидлаш муносабати кенг кузатилади ва натижада антитеза юзага келади. Чунки антитеза воситасида икки ҳодиса, объект бир-бирига таққосланади. Ижобий ёки салбий ҳолатлар қиёсланган ҳолда, ижобий муносабат билдирилади ҳодисанинг хусусиятлари бўрттириб тасвирланади. Антитеза бадий адабиётда ва нотикликда фаол қўлланиладиган синтактик-стилистик восита ҳисобланиб, унда бир-бирига зид қўйиладиган тушунчалар, фикрлар қарама-қаршилиги натижасида нутқнинг таъсирчанлиги ортади, баён қилинаётган умумий фикрга нисбатан тингловчининг қизиқиши кучаяди. Қўшма гапларда эса бу синтактик-стилистик воситаларда интонация кўтарилиб, шу гап доирасида кульминацион нуқтага етади [2.131]

Мақолларда икки ҳодиса, объектни ўзаро таққослашда сонларнинг қўлланиши кўп учрайди. Кўплаб мақолларда бир сони қўлланади. Маълумки, бир сони полисемантик бўлиб, ўзи бириккан сўзни ажратиб кўрсатиш, ноаниқлик, таъкидлаш, вақт, кучайтириш каби маъноларни ифодалаши мумкин: “**Бир қизга етти маҳалла ота-она**”, “**Бир**

йигитга етмиш хунар оз” каби мақолларда ҳар бир қиз, ҳар бир йигит маъноларини таъкидлаб кўрсатган. Турли ҳодисалар ўртасида қиёслаш маъносини ифодалаш учун бир сони **етти, ўн, қирқ, юз, минг** сонларига зид муносабатда қўлланади. Масалан: “**Бирни кессанг, ўнни эк**”, “**Етти ўлчаб, бир кес**”.

Айрим мақолларда **бир** ва **минг** сонлари қўлланиб, инсон ва жамият ўртасидаги ижобий ижтимоий муносабатни ифодалашга хизмат қилади. Масалан: “**Бир одам ариқ қазийди, минг одам сув ичади**”, “**Бир одам кўприк солади, минг одам ўтади**”, “**Бир киши қазиган қудуқдан минг киши сув ичади**”.

Мазкур мақолларда кўпчиликнинг манфаати йўлида қилинган хизмат зое кетмаслиги таъкидланади. Эл-юрт манфаати йўлида меҳнату ғайратни аямаслик лозимлиги уқтирилади. Бир киши амалга оширган кичик эзгулик ҳам кўпчилик манфаати учун хизмат қилиши мумкин. Ҳар бир шахс нафақат ўз эҳтиёжлари учун, балки бутун халқ учун ҳам хизмат қилиши керак. Бу мақоллар Алишер Навоийнинг “**Одами эрсанг, демагил одами, ониким йўқ халқ ғамидин ғами**” сатрларини эслатади.

Айрим мақолларда эса бир сўзи ижобий баҳога эга сўз билан, унга қиёсланаётган сон эса салбий муносабатга

О.Хусанхўжаев – НамДУ магистранти.

эга қисм билан бирга қўлланади. Масалан: “Бир одам омовч билан, еттовлон чомич билан”.

Бу мақолнинг бундай вариантлари ҳам бор: “Ўроқда йўқ, машоқда йўқ , хирмонда ҳозир”, “Биров экар, биров бичар”.

“Ҳаромдан минг танга, ҳалолдан бир танга”. Мазкур мақолда нотўғри йўл билан топилган бойлиқдан ҳалол меҳнат билан топилган арзимас чақа афзал эканлиги минг ва бир сонларини қўллаш орқали янада бўрттириб ифодаланган.

Қуйидаги мақолларда ҳам шуни кузатамиз: “*Билаги алп бирни йиқар, дўсти кўп минғни*”, “*Минг сўминг бўлаунча битта дўстинг бўлсин*”, “*Бир кунлик жанжал қирқ кунлик ризқни кесар*”, “*Юз қўрқоқдан бир ботир афзал*”, “*Юз қарғага бир шунқор*” каби.

Демак, халқ мақолларида икки ҳодиса, икки объект сонлар билан бириккан ҳолда ўзаро қиёсланганда, ижобий ва салбий муносабат яққолроқ ифодаланади ҳамда антитеза юзага келади.

Адабиётлар:

1. O`zbek xalq maqollari. — Toshkent: Sharq, 2005.
2. Соипова Ҳ., Усмонова М. Бадиий нутқда қўлланувчи антитезали қўшма гаплар. // Ўзбек филологияси ва уни ўқитишнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. — Фарғона, 2013.
3. Ўринбоева Д. Фольклор асарларида “бир” лексемаси. // Ўзбек тили ва адабиёти , 2010, 5-сон.

(Тақризчи: Ш.Искандарова, филология фанлари доктори, профессор).